
Ёшлар учун очиқ эшиклар куни ташкил этилди

Данғара тумани адлия бўлими томонидан Давлат хизматлари марказида 33-сонли мактаб ўқувчилари учун очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Тадбирда ёшларга адлия бўлими, юридик хизмат кўрсатиш маркази, Давлат хизматлари маркази, ФХДЁ бўлими иш фаолияти таништирилиб, адлия органларининг фаолияти юзасидан маълумотлар, тизимда ишлаш учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди.

Ёшларда давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “my.gov.uz” сайти имкониятлари тушунтирилиб ўтилди.

Адлия ходимлари ва ўқувчи ёшлар ўртасида сухбатлар, фикр ва мулоҳазалар ўтказилиб, ёшлар соҳа бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

2024-04-03 07:52:44